

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЧИЛИГИ” фанидан**

**“ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ РОЛИ”**

**мавзусидаги маърузаси
ТАҚДИМОТИ**

Маърузачи: доцент Ғ.Д.Дусмуратов

Мавзу: ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ РОЛИ

Режа:

- 1. Давлат-хусусий шерикчилиги тушунчаси ва моҳияти**
- 2. Ўзбекистонда қўлланиладиган давлат-хусусий шерикчилиги турлари ва механизмлари**
- 3. Давлат-хусусий шерикчилигидан фойдаланиш ва унинг принциплари**
- 4. Иқтисодиётни ривожлантиришда ДХШ роли ва унинг асосий шакллари классификацияси**

1.1. Давлат-хусусий шерикчилиги тушунчаси ва моҳияти

“Давлат-хусусий шерикчилиги” термини инглиз тилидан «public-private-partnership» таржимаси ҳисобланади. Бунда «public» сўзи “давлат” сифатида таржима қилинади, бу бизга Ғарбдан келган тушунчанинг моҳиятини сезиларли торайтиргандек туюлади. Аммо “давлат” (public) бу ерда ҳокимият функцияларини амалга оширадиган муассасаларнинг оддий йиғиндиси деб қаралгандан кенг талқин қилинади. У бошқаришнинг барча – республика, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш даражаларини ўз ичига олган жамоат ҳокимиятининг умумлаштирувчи субъекти сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда назарий ва амалий жиҳатдан "давлат-хусусий шерикчилиги" каби бундай мураккаб тушунчанинг ягона талқини мавжуд эмас ёки давлат ва бизнеснинг (ўзаро алоқаси) самарали альянси – тарифига бориб тақалади..



Энг умумий тарифни Жаҳон банки беради: "ДХШ – бу ишлаб чиқариш ва инфраструктуравий хизматлар кўрсатиш муносабати билан оммавий ва хусусий томонлар ўртасида қўшимча инвестициялар жалб қилиш мақсадида ва энг муҳими бюджетдан молиялаштириш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида тузиладиган битимдир" [1]

ДХШ хорижий тадқиқотлари доирасида бир неча концептуал ёндошувларни ажратиш мумкин [2]. Улар замонавий бозор иқтисодиётида ДХШ роли ва ўрнини тушунтириши билан фарқланади:

ДХШ кенг маънода қачонки, давлат-хусусий шерикчилиги деганда бизнес ва давлатнинг ҳар қандай шаклдаги ҳамкорлиги, хайр-саҳоват, ижтимоий корпоратив жавобгарлик ва шунга ўхшашларни ўз ичига олиб тушунилади.

Бошқа таърифлар

ДХШ “сўз ўйини” сифатида (E. S. Savas 2000, M. Gibelman and H. Delmone, 1983). Ушбу ёндошув олдингисига яқин, аммо муаллифлар ДХШнинг ижобий эмас, балки салбий томонларини ва рискларни таъкидлайдилар. Улар ДХШ бу оддийгина жамоат сектори объектларини хусусийлаштиришнинг барча камчиликлари ва муаммоларини ўз ичига оладиган ниқобланган шакли деб ўйлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги қўйидаги талқинни беради *“Давлат-хусусий шерикчилиги”*– маълум муддатга юридик расмийлаштирилган ва ресурсларни бирлаштиришга, рискларни тақсимлашга асосланган жамоат шеригининг бир томондан ва хусусий шерикнинг иккинчи томондан давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги битим асосида амалга оширадиган, иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб қилиш, истеъмолчиларни таъминлаш товарлар, ишлар, хизматлар ҳаммабплигини таъминлаш ва сифатини ошириш мақсадида, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари шартланган ҳамкорлигидир.



1.2. Ўзбекистонда қўлланиладиган давлат-хусусий шерикчилиги турлари ва механизмлари



Агар дунё амалиётида тўпланган кўп йиллик ДХШ тажрибасини қараб чиқсак, таъкидлаш мумкинки, унда у бир неча ёндошувлар позициясидан берилади: умумий яратиладиган қиймат ғояси, шартнома ва рискни тақсимлаш ғояси, биргаликда молиялаштириш ва бошқариш ғояси, ДХШ тўлдириши лозим бўлган “бўш жой”га урғу бериш, бошқаришни ислоҳ қилиш, муаммоларни ҳал қилиш инструменти, маънавий янгилашни, риск таклифи, ижтимоий хизматларнинг ўзгариши, ҳуқуқларни тақсимлаш. В. Н. Мочальников мазкур ёндошувларга асосланиб ДХШ умумий термини хорижий амалиётда – ижтимоий неъматлар яратиш учун хусусий ресурсларни ва/ёки билимларни жалб қилиш мақсадида хусусий сектор ва давлат органлари ўртасидаги муносабатлардир деб ажратиб кўрсатган [44]. Ўзбекистонда ДХШ талқинига иккита ёндошув ажратилади:

Иқтисодий
Бошқариш .

Иқтисодий ва Бошқариш

**Ўзбекистонда
ДХШ
талқинига
ёndoшувлар**

Иқтисодий

ДХШ хусусийлаштиришга муқобил, яъни давлат мулкани хусусий қўлларга ўтказиш воситасида мулкчилик ўзгариш жараёни сифатида қаралади.

Бошқариш

ДХШ давлат сиёсати инструменти бўлиб, хусусийлаштириш институти ҳисобланмайди, фақат давлатнинг жамият олдидаги мажбуриятларини бажаришнинг янги шаклини, яъни аҳолига узлуксиз оммавий неъматлар тақдим этишни ўзида акс эттиради.

**ДХШ қўйидаги
инфраструктура мажмуаси
тармоқларида энг кўп амалга
оширилади:**

1


• транспорт инфраструктураси: автомобил йўллари, темир йўллар, трубопровод, денгиз ва дарё портлари ва кема қатнови, аэродромлар, аэропортларнинг ишлаб чиқариш ва муҳандислик инфраструктураси, метрополитен ва бошқа умумий фойдаланишдаги транспорт;

2

• ижтимоий инфраструктура: соғлиқни сақлаш, санатория-курорт даволаниш, таълим, маданият, ижтимоий хизмат кўрсатиш, спорт;

3

• энергетик инфраструктура: энергетик ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, ўтказиш ва тақсимлаш, иссиқлик, газ ва энергия таъминоти, ташқи ёритиш ва бошқа объектлар;



ДХШ ШАКЛЛАРИ

```
graph TD; A[ДХШ ШАКЛЛАРИ] --> B[Хусусий секторнинг инвестициявий мажбуриятлари билан давлат контрактлари]; B --> C[Концессия]; B --> D[Ижара]; C --> E[Маҳсулот тақсимотига оид битимлар]; D --> F[Ҳаёт цикли контрактива бошқалар];
```

Хусусий секторнинг инвестициявий мажбуриятлари билан давлат контрактлари

Концессия

Ижара

Маҳсулот тақсимотига оид битимлар

Ҳаёт цикли контрактива бошқалар

1.3. Давлат-хусусий шерикчилигидан фойдаланиш ва унинг принциплари



**анча узоқ даврга
молиялаштиришни
тақсимлаш ҳисобига
қисқа муддатли даврда
бюджет маблағларини
тежаш;**

**бюджетдан ташқари
манбалардан жалб
қилинадиган
инфраструктура
объектларига қўшимча
инвестиция ҳисобига ҳамда
халқ сектори хизмати
сифатини ошириш ҳисобига
минтақани ижтимоий-
иқтисодий ривожлантириш
суръатини жадаллаштириш;**

**хусусий секторни жалб
қилиш ҳисобига бюджет
мблағларидан фойдаланиш
самарадорлигини ошириш.**

**ДХШ мақсади
учта ўзаро
боғланган
элементларни
ўз ичига
олади:**

ДХШ лойиҳасини, агар у қуйидаги белгиларни қониқтирса ДХШ қаторига киритиш мумкин:

ижтимоий инфраструктура объектнни (транспорт соҳаси, ижтимоий соҳа, коммунал соҳа, энергетика) яратиш/реконструкция қилишга йўналтирилган;

хусусий шерик нафақат объектни лойиҳалаштиради ёки яратади, балки мажбурий тартибда уни эксплуатация қилиш ёки техник хизмат кўрсатишни амалга оширади;

лойиҳа узоқ муддатли характерга эга бўлиши лозим

хусусий шерик тўлиқ ёки қисман ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига ижтимоий инфраструктура объектнни яратишни молиялаштиради;

хусусий шерикнинг инвестициясини қайтариш объектдан фойдаланиб хизмат кўрсатиш ёки истеъмолчилар томонидан ёки бюджетдан тўловлар ҳисобига тўланадиган объектга техник хизмат кўрсатиш ҳисобига амалга оширилади;

1.4. Иқтисодий ривожлантиришда ДХШ роли ва унинг асосий шакллари классификацияси

Давлат-хусусий шерикчилиги асосий шакллари классификацияси

ДХШ шакли	Давлат ва бизнес ўртасидаги контрактпредмети	Мавжуд/яратилаётган мол-мулкка мулкчилик шакли
Хусусий секторнинг инвестициявий мажбуриятлари билан давлат контрактлари	Ўқмоқчилик + қурилиш + эксплуатация қилиш	Давлат
Ижара	Эксплуатация + техник қайта қуроллантириш ёки модернизациялаш	Давлат
Капиталда иштирок этиш	Акционерлик капиталини ўқмоқчилик + қурилиш + эксплуатация қилиш	Хусусий / давлат
Концессия	Ўқмоқчилик + лойиҳалаш + қурилиш(кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта қуроллантириш, модернизация) + эксплуатация қилиш	Давлат
Маҳсулот тақсимотига оид битимлар	Қурилиш + эксплуатация қилиш	Хусусий / давлат
Ўзида ҳар хил иш турларини ва мулкчилик муносабатларини мужассамлаштирган контрактлар	Ўқмоқчилик Ўқмоқчилик + қурилиш Ўқмоқчилик + қурилиш + эксплуатация қилиш	Хусусий / давлат

**Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт вазирлиги давлат-
хусусий шерикчилиги ташкилий-
ҳуқуқий шаклларининг қўйидаги
классификациясини
шакллантирди, унда ДХШ
механизмларини қўллаб
инфраструктуравий лойиҳаларни
амалга ошириш имкони бор:**

1 *концессия шартномалари — Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги 110-I-сонли «Концессиялар тўғрисида» қонунига мувофиқ;*

2 *давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги шартномалар — Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги қонуни лойиҳасига мувофиқ;*

3 *ҳаёт цикли контрактлари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 августдаги «ҲЦК тузиш ҳолатлари тўғрисида» ги қарори билан тасдиқланган контрактлар;*

4

инвестиция мажбуриятлари ва/ёки имтиёзли шароитлар билан ижара шартномалари —узоқ муддатли мол-мулк ижараси шартномаси асосида лойиҳаларни амалга ошириш, бунда капитал қўйилмалар хусусий инвестор маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

5

ДХШ белгиларига эга шартномалар (келишувлар), оммавий шерик томонида устав капиталида Ўзбекистон Республикаси иштироки улуши йиғилганда 50 % дан ортиқни ташкил этган давлат корхонаси, компанияси ёки ташкилоти бўлган шароитда, яъни Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 14 августдаги «Алоҳида юридик шахсларнинг харидлари тўғрисида»ги қонуни доирасида тузилган шартномалар

*ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ!*